O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 август чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 148 (2445)

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ 1991–2000 9 БАЙРАМИМИЗГА 30 КУН ҚОЛДИ!

## АДОЛАТ ИМТИҲОНЛАРИ

- Кеча мамлакатимиздаги 75 та олий ўқув юртининг барчасида тест синовлари бўлиб ўтди. Бу адолат имтиҳонларида жами 215 мингдан ортиқ абитуриент иштирок этди.
- Абитуриентларнинг 146 минги қишлоқ мактаблари ўқувчиларидир.
- Янги ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида салкам 49 минг 500 талаба таҳсил кўришини инобатга оладиган бўлсак, ҳар бир ўрин учун қарийб 5 нафар ёш тўғри келади.



## РАҲБАРНИНГ САВИЯСИ

### ислоҳот талабларига жавоб берадими?

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз нутқини тинглай туриб, гапнинг очиғи, хижолатга ботиб кетдим. Назаримда, бир мен эмас, ҳар бир оддий қашқадарёлик шу кўйга тушди. Чунки беқиёс имкониятларга қарамасдан Қашқадарёнинг орқага кетишида, ўз мавқеини йўқотишида мен ҳам айбдорман, деган бир ҳис қалбни кемирарди.

Президентимиз ўз нутқида тўғри қайд этганидек, «Вилоятда халқ ўз дарду ташвиши билан, аксарият раҳбарлар эса ўз шахсий мақсад ва манфаатлари билан яшаб келмоқда». Мана, орамиздаги айрим раҳбарларимизнинг бугунги қиёфаси. Шунинг учун Президентимиз жуда катта ташвиш билан дедиларки, «Вилоятдаги вазият шундайлигича қолса, халқнинг турмуши қандай кечади, келажаги нима бўлади?». Албатта, бундай хавотир ўринли. Чунки раҳбарларнинг ношудлиги, беларво ва лоқайдлиги одамлар кўнглида ишончсизлик уйғотади, норозиликка сабаб бўлади. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Чироқчилик шоҳмотчи қиз Сарвиноз Эргашева ҳақида эшитганмиз. Уч марта Ўзбекистон чемпиони. Биринчи бор 10 ёшида Ўзбекистон чемпиони бўлган. 1997 йили Францияда 65 мамлакатдан борган 13 ёшгача бўлган болалар ўртасида 21-ўринни олган, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган. Ўтган йили Испанияда Осиё чемпионатида қатнашиб, 6-ўринни эгаллади. Бу йил ҳам Испанияга бориши керак. Унинг отаси — Абдикамол Эргашев билан шу хусусда гаплашиб қолдим.

— Сарвиноз чемпионатга тайёргарлик кўраяптими? — сўрайман ундан.

— Гапнинг очиғи, мутлақо тайёргарлик кўрмаяпти, — уф тортади у. — Чунки шароит йўқ. 1997 йилда 11 та, 1998 йилда 9 та, 1999 йилда 4 та, бу йил шу пайтгача 1 та мусобақада қатнашди. Сабаби — сафар харажатларига қўл қисқалик қилаяпти. Аввал туман халқ таълими бўлими томонидан ёрдам бериб туришарди. Энди... мумкинмасмиш. Ҳадеб ҳокимиятга ёрдам сўраб келишга уяламан. Испанияга бориш учун ҳомий топиб беришса ҳам катта гап.

Юртбошимизнинг нутқини тинглаб, у кишидаги ташвиш, ачинишни ҳис қилиб, нега бу ҳолга тушиб қолганимизнинг сабабларини англадим. Сабаби аён: «... Раҳбарлар, аччиқ бўлса-да, айтиш кераккки, ҳалигача ғафлат уйқусидан уйғонишгани йўқ». Бундай раҳбар уч бор Ўзбекистон чемпиони, ноёб истеъдод эгаси бўлган шоҳмотчи қизалоқ, унинг келажаги ҳақида қайғурадими? Истеъдодларни юзага чиқариш ҳақида ўйлаб кўрадими?

Нима учун шу ҳолга тушиб қолаяпмиз? Бунинг сабабларини Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқларида очиқ-ойдин айтди. «Вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг кўпчилиги фақат тилда «ислоҳотчи» бўлгани туфайли эски тизимдан қолган усулларга барҳам берилмаяпти, ишни ташкил этишнинг замонавий усуллари ҳанузгача жорий этилмаяпти».

Мана, нима учун деҳқоннинг косаси оқармаяпти, нони бутун бўлмаяпти, меҳнатининг роҳатини кўрмаяпти. Агарда меҳнатининг натижасини кўрганида эди... Тўғри, кўраётганлар бор. Аммо улар жудаям кўп эмас. Нима учун шуни кўра-била туриб Қашқадарёда бу ҳақда шу пайтгача ҳеч ким бош қотирмади, қайғурмади?

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ҳам, вилоят кенгаши сессиясида ҳам вазирларга қарата яхши гап айтди. Ахир ислоҳот учун фақат ҳокимлар, хўжалик раҳбарларигина эмас, улар ҳам жавобгардирлар. Менимча, яхши отга бир қамчи, деганларидек, ана шу танбеҳ барча учун етарли бўлса керак. Умид қиламиз, энди ҳамма бир бўлиб ишга астойдил ёпишади.

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» қишлоқ хўжалик кооператив ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Муродулла Саидов эса банк тизимини тубдан ўзгартириш керак, деб ҳисоблайди.

— Негаки, — дейди у, — банкдагилар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қанот бўлмаяптилар. Энди банк ҳам, маҳсулот тайёрловчи ҳам, маҳсулотни қабул қилиб олувчи ҳам шартномага имзо чекиши керак. Шундай қилинмаса, униси бунисига, буниси унисига солиб, сансоларлик рўй бераяпти.

Ачинарлиси шуки, хўжаликлар ҳисобига пахтани қайта ишловчилар бойиб кетаяпти. Ҳолбуки, улар фақат қайта ишлайди. Олинган фойда тенг бўлиниши даркор.

— Энг асосийси, — деб уқтиради Муродулла Саидов, — хўжалик раҳбари ҳалол бўлиши шарт. Акс ҳолда иш юришмайди.

Нобоп раҳбарлар... Улар қаердан пайдо бўлаяпти. Президентимиз айтганидек, эл-юрт иши учун куйиб-ёниб юрганлар кўп-ку. Нега улар четкага суриб қўйилди? Албатта, бунинг сабаблари бор. Йўқса, Нишон туманидаги Ҳамза номли 4-фермерлар уюшмаси раислигига ёзишни билмайдиган, саводи йўқ Худойназар Каримовни раисликка қўйишармиди?

Кўраяпсизми, Қашқадарёда қандай кадрлар мансабда ўтиришибди. Тумандаги раҳбарлар хўжаликка айнан шундайларни, вилоятдагилар эса уларни «чертиб-чертиб» танлашган. Алқисса, ислоҳот бир ёнда қолиб, асосий ташвиш — жиғилдонни тўлдиришдан иборат бўлиб қолган. Бу қанчалик аччиқ бўлмасин — ҳақиқат. Шундай экан, нобоп раҳбарлардан қанчалик тез қутулсак, ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши шу қадар жадаллашади. Энг асосийси, одамлардаги ишонч сессиядан кейин янада мустаҳкамланди.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Аввал хабар қилинганидек, 30 август куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова бошчилик қилмоқда.

Депутатлар ишчи гуруҳи ўзининг биринчи мажлисини шу йил 1 август куни ўтказди.

Ишни самарали ташкил этиш мақсадида депутатлар ишчи гуруҳи таркибида учта кичик гуруҳ тузилди.

Биринчи кичик гуруҳ зиммасига Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, сессия материалларининг депутатларга олдиндан етказилишини ташкил этиш ҳамда депутатларнинг қонун лойиҳаларига доир фикр-мулоҳазалари ва таклифларини парламент қўмиталари, комиссияларида умумлаштириш билан боғлиқ ишлар юклатилди. Бу кичик гуруҳга Олий Мажлис Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг раиси Қ. Жумабеков бошчилик қилмоқда.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов бошчилик қилаётган иккинчи кичик гуруҳ парламент сессиясига тайёргарлик ва сессиянинг иши мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишини, мажлислар залидаги электрон овоз бериш тизимининг пухта ишлашини, сўзга чиқувчиларнинг нутқлари рус ва инглиз тилларига синхрон таржима қилиб борилишини таъминлайди, шунингдек, журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этади.

Учинчи кичик гуруҳ депутатларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш ва кузатиб қўйиш, уларга транспорт, тиббий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш масалалари билан шуғулланади. Бу гуруҳга Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси И. Қаландаров бошчилик қилмоқда.

Депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари Ф. Муҳитдинова тайёргарлик даврида нафақат қўмиталар ва комиссияларнинг, балки барча сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни таъминлаш билан боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Қўмиталар ва комиссияларнинг раҳбарларига фракциялар ва блокларнинг мажлисларида иштирок этиш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида пайдо бўлган саволларга муфассал жавоб бериш, айтилган таклифларни синчиклаб ўрганиш тавсия қилинди.

Мажлисда сўзга чиққанлар сессия ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтажагига ишонч билдирдилар.

Эътироф

## КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАГИ ВАТАН

*Ўз эрки ва ҳуқуқини қўлга киритган халқимиз саноқли кунлардан сўнг Истиқлолнинг 9 йиллигини байрам қилади. Шу муносабат билан бир гуруҳ юртдошларимизга қуйидаги савол орқали мурожаат этдик:*

***«Мустақиллик айёмини нишонлаш деганда Сиз нимани тушунасиз?»***

**Мартия РАҲМАТОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, тўқувчи:**

— Истиқлол туфайли ҳалол меҳнат ўз қадр-қимматини топди. Акс ҳолда мендек оддий ишчига Қаҳрамонлик унвони қаёқда эди? Шуни ўйласам, қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади. Бинобарин, биринчи сентябр биз учун нафақат эрк ва озодлик байрами, айни чоғда миллий ифтихор ҳамда қадр-қиммат шодиёнаси ҳамдир.

**Маҳмуд МИРЗАЕВ, академик:**

— Бу, албатта, кенг қамровли савол. Содда қилиб айтадиган бўлсам, истиқлол туфайли ўзбек дунёни, дунё эса ўзбекни таниди. Яқин ўтмишни эсланг. Ота-боболаримиз яхши кунларни орзу қила-қила, ёруғ оламдан армон билан кўз юмдилар. Улар эришолмаган бахт бизга насиб этган экан, уни кўз қорачиғидек асраш ва келгуси авлодларга бешикаст етказиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Ҳожиакбар ШАЙХОВ, ёзувчи:**

— Ватан тушунчаси биз учун онадек азиз, мукаррам. Шу боис, унинг ҳар заррасини кўзга суртамиз, меҳри ва соғинчини қалбимиз тўрида сақлаймиз. Сабаби аён: Ватан юракдан бошланади. Назаримда, бу инсон умр бўйи сиғинса арзийдиган муқаддас саждагоҳдир. Мустақиллик туфайли қадим юртимизнинг шуҳратига шуҳрат, обрўсига обрў қўшилди. Оддий бир қаламкаш сифатида бундан илҳомланаман, бурчимни теранроқ англайман.

**Азамат ШАМСИЕВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Фикримча, истиқлолнинг 9 йиллиги шунчаки тадбир эмас, балки халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан нишонланадиган энг улуғ, энг тансиқ байрамдир. Касбим бўйича болалар шифокориман. Қани айтинг, мустақилликка эришган қайси давлатда ёш авлод тарбияси ва саломатлигига биздагидек катта аҳамият берилаяпти? Бунинг замирида, шубҳасиз, келажак ҳақида юксак эътибор ва ғамхўрлик ётибди.

**Ҳасан НЕЪМАТОВ, тадбиркор:**

— Истиқлолга довур шахсий мулк, тадбиркорлик ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча эди. Эндиликда манзара тамом бошқача. Ишлайман деган одам учун барча йўллар очиқ. Ҳукуматимиз тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Иқтисодий мустақиллик Ўзбекистонни юксак чўққиларга олиб чиқишига ишонаман. Зотан, тадбиркорлик бўлган жойда ташаббус бор, онгли меҳнат ва изланиш бор. Истиқлол байрами халқимиз табиатига хос ана шу каби боқий хислатлар намойишига айланади, албатта.

**Носир ТОШЕВ ёзиб олди.**

Қонунга шарҳ

## ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

**Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинган эди. Мухбиримиз Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Илгизар СОБИРОВдан Қонуннинг асосий моҳияти ва хусусиятларини шарҳлаб беришни сўради.**

— 2000 йилнинг 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатдаги асосий стратегик жиҳатларини ҳисобга олиб, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан аҳолини, мамлакат ҳудудини, моддий ва маънавий бойликларни муҳофаза қилишнинг умумий вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси борасидаги фаолиятини белгиловчи қонуннинг қабул қилинишига эса жамият ва давлатнинг, қолаверса, мамлакатимизнинг асосий бойлиги ҳисобланган фуқароларимизнинг ҳаётий интилиш ва қизиқишлари асос бўлди, деб баралла айтиш мумкин.

Инсоният ўзининг ривожланиш тарихи давомида ўз ҳаётини, қариндош-уруғлари, уйи, моддий бойликларини табиат инжиқликлари, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракат асоратларидан сақлаш устида бош қотириб келган. Фақатгина XX асрга келиб инсоният барча ички имкониятлардан фойдаланиб ҳамда инсон омили, яъни қадр-қимматини ҳисобга олиб фуқаро муҳофазаси ва ҳудуд ҳимояси масалаларини ҳал этиш мумкинлигини англаб етди.

Бундан ташқари, XXI аср бўсағасида инсонларни, уларнинг яшаш жойларини табиий офат ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида содир бўладиган фавқулодда вазиятлардан сақлаш асосий муаммолардан бирига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Бизнинг амалга ошираётган сиёсатимизнинг асосий негизларидан бири халқимизни ҳар қандай офат ва фавқулодда вазиятлардан сақлаш» эканлигини, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида ушбу мавзуга катта эътибор қаратиб, бизнинг давр одамлари глобал ҳамда оддий, реал ва ўйлаб топилган, муайян ва ўткинчи таҳдидлар ҳалқасида яшаётганлигини таъкидлаб ўтганлар. Бир таҳдид ўрнига бошқаси келиши, ядровий уруш таҳдиди чекиниб, унинг ўрнига жиноий, террористик, иқтисодий ва экологик таҳдидлар вужудга келаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтишлари ушбу муаммонинг айни кунда долзарблигидан далолатдир. Шунинг учун ҳам давлат ўз фуқаролари хавфсизлиги устида қайғуриб, реал таҳдидни таҳлил қилган ҳолда унинг олдини олиш ёки шундай вазиятларни бартараф этиш борасида пухта тадбирлар кўриши лозим.

(Давоми 2-бетда).

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, ҳозирги кунда минтақамиз, қолаверса Марказий Осиёдаги умумий вазиятнинг нотинчлиги мустақил давлатларнинг суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига раҳна солиш, қўшни мамлакатлар ҳудудидаги қуролли қарама-қаршиликлар, ички низолар, можаролар, ён-атрофдаги айрим давлатларнинг ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуролларига эга бўлиш учун қилинаётган ҳаракатлар ҳамда қўшни давлатлар томонидан чегаралараро низоларни вужудга келтириш билан баҳоланмоқда ва изоҳланмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, биз реакцион кучлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган хавфни реал баҳолаган ҳолда тинч ҳаётимизни сақлай билишимиз, ҳарбий ҳаракатлар вужудга келганда эса халқимиз ва ҳудудимизни ҳимоя қила олишимиз даркор. Яқин ва узоқ чет давлатлардаги айрим мунофиқ кучлар шу кунларда ҳам Ватанимиз теварaги ва мамлакатимиз ҳудудида беқарорликни вужудга келтириш учун тинмай ҳаракат қилишяпти. Бу ўринда биз террористик ва жиноий ҳаракатларнинг вужудга келишини ҳам ҳисобга олишимиз зарур.

Масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб, 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган «Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида»ги Қонунда фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш учун оптимал шароитлар яратиш миллий хавфсизлигимизнинг асоси қилиб белгиланган.

Миллий хавфсизлигимизга таҳдид солувчи хавфлар қаторига юртимизга экологик талабларга жавоб бермайдиган технологияларни, заҳарли модда, материал ва аҳоли соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда фармокологик препаратларнинг назоратсиз олиб келиниши, шунингдек, табиий ва техноген характердаги офатлар киради. Шунинг учун фуқаро муҳофазасини амалга оширишда давлат бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг куч ва воситаларини тўғри йўналтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу ишларни амалга ошириш фуқаролар ва ҳудуд муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни давлат сиёсати даражасида ҳал этишга кафолат бўлади.

Қабул қилинган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун жамиятимизни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатлар қилишга, фуқароларни, давлат бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ўзларини хавф-хатардан ҳимоя қилишга ўрганиб боришга қаратилгандир.

Инсонларнинг ҳаётий интилиш ва қизиқишлари, уларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлиги қонуннинг асоси қилиб олинган. Фуқаро муҳофазасини таъминлашнинг асосий негизида шахснинг, жамият ва давлат манфаатларининг муштараклиги ўз ифодасини топган бўлиб, ҳар бир тараф тегишли мажбуриятларини тўла бажариши белгиланган.

«Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун 23 та моддани мантиқий бирлаштирувчи бешта бобдан ташкил топган. «Умумий қоидалар» деб номланган 1-бобда Қонуннинг қабул қилинишидан кўзланаётган мақсад ва вазифалар, қонунбузарлик учун жавобгарликнинг асосий тушунчалари берилган ҳамда давлат бошқарув органлари ва ташкилотлари халқаро ҳамкорлиги тартиби белгиланган. Бундан ташқари, ушбу бобда нафақат фуқароларни хавф-хатар содир бўлганда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларга ўргатиш, балки бошқарув, хабар бериш, алоқа тизимлари хизматига шай ҳолатда бўлишини таъминлаш, ҳарбий ҳаракатлар пайтида халқ хўжалиги объектларининг тўлақонли иш юритиши учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ чоралар белгиланганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, давлат органлари ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари деб аталган иккинчи бобда вазирликлар, идоралар ва ташкилотларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар, шунингдек умуман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш таркиби аниқ белгиланган. Алоҳида-алоҳида моддаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқарув органи сифатида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ваколатлари, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотларнинг ваколатлари баён қилинади.

Қонуннинг махсус моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар муҳофазаси соҳасидаги иштирокига бағишланган. Айнан ана шу органлар орқали давлат аҳамиятидаги энг муҳим вазифани ҳал қилишга — аҳоли ва ҳудудларнинг муҳофазасини кимлар, қайси муддатларда, қандай воситалар билан таъминлаши белгиланган.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари деб номланувчи учинчи бобда қишлоқ, шаҳар аҳолиси кенг қатламларининг манфаатлари ифодаланган. Ушбу бобнинг барча моддалари фуқаро муҳофазаси соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни узвий уйғунликда ҳал этади.

Ҳарбий ҳаракатлардан жабрланган фуқароларга ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан биргаликда ҳаёт кечиришини таъминлаш учун шарт-шароит яратилади. Табиий, моддий-молиявий ва бошқа ёрдам берилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида моддада белгиланган.

Фуқаро муҳофазаси соҳасида аҳолини ўқитишнинг ялпи ва мажбурий хусусиятда эканлиги эълон қилинган ва шу соҳага оид билимларни тарғиб қилиш тартиби белгиланган.

Қонуннинг тўртинчи боби фуқаро муҳофазаси хизматлари ва кучлари деб номланган бўлиб, унда фуқаро муҳофазаси хизматлари, қўшинлари ва тузилмаларининг таркиби кўриб чиқилади. Зарур бўлган ҳолларда фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг қутқарув тузилмалари, қисмлари ва бўлинмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин.

Фуқаро муҳофазаси тузилмалари қутқариш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун ҳудудий ишлаб чиқариш тамойилига кўра, яъни Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда, шунингдек вазирликлар, идоралар ва ташкилотларда ташкил этилади. Шунингдек, Қонунда ташкил этиладиган фуқаро муҳофазаси тузилмаларига эркаклар ва аёлларни жалб қилиш тартиби белгилаб қўйилган.

Фуқаро муҳофазасини молиявий таъминлаш. Фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулки, деб номланган бешинчи бобда фуқаро муҳофазаси соҳасидаги бошқарув органларини ва тадбирларини молиялаш тартиби белгиланган. Шуни эслатиб ўтиш керакки, фуқаро муҳофазаси соҳасидаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш тадбирларини молиялаш ташкилотларнинг ижро этувчи давлат ҳокимияти органларининг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этиш мамлакатимизнинг бутун ҳудудида моддий ва меҳнат сарфини, фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларидан фойдаланишни талаб қилувчи давлат аҳамиятига молик тадбирлар тизимини ўтказиш билан боғлиқдир. Қонунда фуқаро муҳофазаси асосий фондларини шакллантириш ҳамда фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкидан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилган. Ташкилотларнинг бошқарув тизимлари ва хўжалик фаолияти шакллари ўзгарган тақдирда, уларда фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкидан фойдаланиш мақсади, шунингдек уларни барпо этиш ва жамғариш топшириқлари сақланиб қолди.

«Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун ҳар бир инсон муҳофазасини, табиат бойликларини, миллий манфаатлар ва интилишимизни ҳарбий ҳаракатлар пайтида вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан сақлаш борасидаги давлат сиёсати давомий ва узвий эканлигининг тасдиғидир.

**И. ХУДОЁРОВ**
**ёзиб олди.**

# ҒАЛЛА ЎРИМИ ЯКУНИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2000 йил ғалла ўрим-йиғими якунлари ҳамда келгуси мўл ҳосил учун тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тегишли вазирлик, қўмита, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.**



Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси бошқаруви раиси И.Нажмиддинов, республика деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси А.Бобомирзаев ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, бу йилги ҳосил учун мамлакатимиз деҳқонлари яхши ният билан қарийб бир миллион уч юз эллик беш минг гектар майдонга дон экканди. Ўтган қиш ва баҳор ойларида ёғингарчилик кам бўлиши оқибатида ердаги табиий намлик бошоқли дон экинларининг баравж ривожланиши учун етарли бўлмади. Бу ҳол лалми ерларда айниқса яққол сезилди. Шунга қарамай, деҳқонлар ҳар йилгига нисбатан мўл ғалла етиштиришга муваффақ бўлди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг таъкидлашича, бу йил бошоқли дон экинларидан олинган жами 3067,9 минг тонна ҳосилнинг 2181 минг тоннаси давлат ресурсларига харид қилинган. Давлат заҳирасига эса 70,4 минг тонна кўп ғалла жамғарилган. Суғориладиган майдонлардаги хўжаликларда ҳосилдорлик кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Масалан, Андижон вилояти ғаллакорлари гектаридан ўртача 70,2 центнердан ҳосил кўтарди. Бу кўрсаткич айрим ширкат хўжаликларида 91-92 центнерни ташкил этди. Бухоро, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида эса ўртача 33-36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Шу билан бирга, ҳамма жойда ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Бунинг оқибатида суғориладиган майдонларда ҳам ҳосилдорлик пасайди. Бу ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида, айниқса, яққол кўзга ташланди. Мазкур ҳудудлардаги айрим хўжаликларда бор-йўғи 5-6 центнердан ҳосил олинди.

Республика бўйича 2001 йил ҳосили учун 287,2 минг тонна уруғлик талаб этилади. Бироқ, об-ҳавонинг ноқулай келиши оқибатида лалми майдонларнинг аксарият қисмида уруғ тайёрлаш режаси бажарилмади. Айни вақтда суғориладиган ерларда ҳам уруғ тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар имконият даражасида бўлмади. Натижада шу кунга қадар 250 минг тонна ўрнига 220,8 минг тонна уруғ жамғарилди. Жойларда уруғлик ғалла ҳам дон ўрнига қабул пунктларига топшириб юборилганини қандай изоҳлаш мумкин? Шу боис Жиззах вилоятида 18 минг тонна ўрнига атиги 723 тонна уруғлик тайёрланди. Самарқанд вилоятида эса бу кўрсаткич атиги 21,3 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу вилоят ўз хўжаликларидан ташқари, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона вилоятларидаги хўжаликларни ҳам уруғлик дон билан таъминлаши лозим эди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – назорат инспекцияси раҳбари Т.Алимов иштирок этди.

**(ЎзА)**

# ФОЙДА ҚАЙДАН КЕЛАДИ?

**1998 йилнинг бошида Хоразм вилоятида 9 та жамоа хўжалиги санацияга тушган эди. Кўрилган иқтисодий чора-тадбирлар туфайли мазкур хўжаликлар санациядан чиқди. Эндиликда улар илғорлар сафига қўшилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Гурлан туманидаги «Қорақалпоғистон» ширкат хўжалиги шулардан бири.**

«Қорақалпоғистон»нинг хўжалик аъзоларига тўланмаган иш ҳақидан қарзи 14 миллион 648 минг сўмни ташкил этарди. Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда жамоа катта зарар кўриб ишлаётгани учун меҳнат аҳли умумий сарҳисобдан сўнг бармоқ тишлаб қолаётган эди.

Ташқи бошқарувчи Сапарбой Собиров одамларга таянган ҳолда, қарзлар «тоғи»ни қулатиш ва зарар балосидан халос бўлиш учун узоқни кўзлаб иш бошлади. Дастлаб фаоллар иштирокидаги йиғинда икки йиллик бизнес-режа ишлаб чиқилди.

Шу йиғинда меҳнат фахрийси Нажмиддин Шукруллаев куюнчаклик билан айтган мана бу сўзлар ҳаммани ўйлантириб қўйди:

— Беш-ўн гектарлик экин атрофида ҳамма айланаверса, иш бўладими! Ким кўп, табелчи кўп. Ҳисоб-китоб қиламан деб, сувни лойқалатувчи кўп. Ўн деҳқонга беш раҳбар. Бунга барҳам беришнинг вақти келди!

Дарҳақиқат, хўжаликнинг 1853 гектар ерига 2092 киши кўз тикар эди. Бу – бир одамга бир гектар ер ҳам тўғри келмайди, дегани. Натижада бир деҳқоннинг умумий даромаддаги ҳиссаси 58 минг сўмга етар-етмас эди. Отахон сўзларининг тасдиғи эмасми бу?

Шу сабабли, бизнес-режада деҳқончиликда банд бўлганлар сонини кескин қисқартириш, яъни 844 кишига камайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Ва ўтган икки йил мобайнида хўжаликда мазкур вазифа изчил ва узлуксиз равишда амалга оширилди.

Табиий савол туғилади: қишлоқ хўжалигидан бўшаган ходимлар бугун нима билан машғул бўлишмоқда?

## Молиявий соғломлаштириш йўлидан

Бугун янги ташкил этилган тикувчилик корхонаси, ғишт заводи, нон, оҳак ишлаб чиқариш цехларида юз нафарга яқин киши ишламоқда. Иккита қурилиш бригадасида эса 46 йигит иш билан банд. Улар ғишт заводи маҳсулотларидан фойдаланиб, ўтган йили ҳамқишлоқларига 18 та иморат тиклаб беришди. Бу билан яхшигина даромадга эга бўлдилар. Шунингдек, болалар боғчаси, клуб, янги қурилган қишлоқ врачлик амбулаториясида ҳам янги иш ўринлари очилди.

Собиқ табелчилар ва идора ходимларининг бир қисми тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар. Бу борада уларга хўжалик раҳбарияти амалий ёрдам бермоқда.

Қолаверса, қишлоқда мавсумий ишлар ҳам кўп. Мавсумий деймиз-у, аслида бу ишлар бутун йил бўйи узлуксиз давом этади. Айтайлик, ғишт қуйиш ёки маҳаллий ўғит тўплашга қачон эҳтиёж бўлмаган? Айниқса, ғалла ўрим-йиғими, пахта терими пайтида бир кунлик иш ҳақи бошқа вақтлардаги уч-тўрт кунлик иш ҳақи билан тенг, балки ундан ҳам зиёд бўлиши мумкин. Шу сабабли, юзга яқин қишлоқ фуқароси шундай юмушларга жалб этилган.

Самарами? Хўжаликнинг атиги чоракам бир гектар ери 4 миллион сўмдан зиёд даромад келтирди. Бунга ўтган йили шу кафтдек заминга 5 килограмм ноёб тут уруғи экилганлиги ва салкам 200 минг туп ниҳол ундириб олинганлиги туфайли эришилди.

Ниҳолларнинг тўртдан бир қисмидан бир ярим гектар ерда мўъжазгина тутзор ташкил этилди. Қолганлари эса бошқа хўжаликларга 25 сўмдан сотилди.

– Янгидан барпо этилган бу тутзор келгуси йили бизга жуда асқотади, — дейди пиллакор А. Алихонов. — Бу йил биз бир қути ипак қурти боқиб, нақ 30 минг сўм даромад олдик. Яқинда эса хўжалик раҳбарияти қарорига мувофиқ, буғдойдан бўшаган майдонлардан бизга 1200 квадрат метр ер ажратилди. Бу майдонга шоли кўчати экдик.

Ўтган йили хўжалик пахтакорлари 132 гектар ерга плёнка остига чигит экишганди. Ҳосилдорлик 43 центнерга етди. Бу йил эса 1040 гектар майдонда ғўза, 186 гектарда шоли, 250 гектар ерда қанд лавлаги парваришланмоқда.

Ҳа, дўсимбойликлар жорий йилда умумий даромадни 315 миллион сўмга, соф фойдани 60 миллион сўмга етказиш ниятидалар. Шу эзгу мақсадда каттаю кичик сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Айни чоғда ёнилғи-мойлаш материаллари, электр энергиясини тежаб-тергаб ишлатиш, техника воситаларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Термиз туманидаги Нуриддин Исматов номли сабзавот ва полиз экинларини қайта ишлаш жамоа корхонасида иш қизғин.*

**СУРАТДА: томат пастаси тайёрлаш пайти.**

**Искандар ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

## Транспорт

# ЛИЦЕНЗИЯЛАШ –

**Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби автомобиль транспорти тизимида, хусусан, давлат автомобиль корхоналари билан хусусий автотранспорт эгалари ўртасида ҳам кучли рақобат пайдо бўлди. Ўтган вақт мобайнида бу иккала сектор ўзининг бир қанча афзаллик томонларини намойиш этди. Натижада аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш даражаси бирмунча яхшиланди. Шу билан бирга, сўнгги пайтларда хусусий автотранспорт воситалари сонининг ортиб бориши ва улар томонидан бир қанча ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши туфайли икки сектор ўртасида бир қанча муаммолар ҳам юзага кела бошлади. Бу ҳол ҳалол рақобатни вужудга келтириш, икки томонга ҳам тенг шароит яратиб бериш вазифасини ўртага қўйди.**

**Мухбиримизнинг Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг ўринбосари Юсуфжон ОБИДЖОНОВ билан суҳбати шу хусусда.**

— Давлат автомобиль назорати бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз бўйича автомобиллар сони 1 миллион 220 мингтадан кўпроқни ташкил этади, — деди у. — Бу машиналарнинг 915 мингтаси жисмоний, 305 мингтаси юридик шахсларга тегишли. Шундан 237 мингтаси лицензияга эга бўлиб, унинг 60 мингтаси жисмоний шахслар тасарруфидадир. Бу, албатта, жисмоний шахсларга нисбатан ниҳоятда паст кўрсаткич ҳисобланади. Бундан ташқари, айни пайтда республикамизда 20 мингдан ортиқ енгил автомобиль эгаси аҳолига кўрсатаётган транспорт хизматини қонунга тўлиқ монанд, деб бўлмайди. Оқибатда давлат автомобиль корхоналари ғазнасига тушадиган даромад кескин камайиб кетмоқда. Ташкилот маъмурлари камомадни йўл ҳақини ошириш ҳисобига қоплашга мажбур бўлишмоқда. Шунинг учун улар ўртасида ҳалол рақобатни юзага келтириш, машина эгаларини лицензиялаш ва тендерларга жалб этиш ҳаётий заруриятга айланди.

**— Юсуфжон Обиджонович, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспортларни лицензиялашдан мақсад нима? Умуман, лицензияланган автотранспортлар йўловчиларга қандай қулайликлар яратади?**

— Лицензияланган хўжалик субъектлари, биринчи навбатда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, экология меъёрларига амал қилиш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олади. Иккинчидан, давлат бюджети маблағларининг ошишига, шаҳар транспортининг янада ривож топишига имконият яратилади.

**— Автотранспорт эгалари лицензия олишлари учун қаерга мурожаат қилишлари керак?**

— Бунинг учун юридик шахслар республика Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни: ариза, ҳаракат таркиби рўйхати, таъсис ҳужжати, корхона низомидан нусха, банк реквизитлари, корхонанинг рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат, техник хизмат кўрсатиш ва ҳаракатдаги таркибни тузатиш постлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим. Агар юридик шахс халқаро йўналишларда ҳам қатнашни мўлжаллаган бўлса, ундан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси ва корхона раҳбари томонидан профессионал тайёргарлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам сўралади.

Жисмоний шахслар эса жойлардаги агентлик бўлимларига ариза, автомобиль техник паспорти нусхаси, ижара шартномаси, автомобилни бошқариш учун ишончнома, ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхаси ва давлат божи ҳамда йиғимларни тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни топширишлари лозим. Кўриниб турибдики, жисмоний шахсларнинг лицензия олишлари учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ҳеч қандай оворагарчиликни талаб этмайди.

**— Бу яхши, албатта. Аммо таҳририятимизга келаётган мактубларда хусусий автотранспорт эгалари лицензияларни уч-олти ойлик эмас, балки икки-уч йиллик муддатга беришни, шунингдек, бунда автобус ва енгил автомашиналар ўриндиқлари, юк автомобилларининг юк ташиш ҳажмини ҳисобга олишни сўрашмоқда. Сиз бу таклифларга қандай қарайсиз?**

— Ўринли савол. Аммо амалдаги қонун ва қарорларда бу нарса кўзда тутилмаган. Ўйлаймизки, мамлакатимизда эндигина оммалашаётган лицензиялаш жараёнидаги бундай нуқсонлар аста-секинлик билан бартараф этиб борилади. Хусусан, яқинда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун биринчи ўқишдаёқ қабул қилинди. Айни пайтда ушбу Қонун асосида тегишли ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилиб, унда лицензиялашга оид муаммоларни ечиш кўзда тутилмоқда. Лицензия муддатларига келсак, бунда кўпроқ автотранспортнинг техник аҳволига қараб унинг муддати белгиланади. Тўғри, ўтган йили айрим автоташувчиларга қисқа муддатли лицензия варақалари берилган эди. Бунга сабаб улар томонидан содир этилган авариялар туфайли комиссия, ДАН, Агентлик томонидан ана шундай чоралар кўришга тўғри келди. Айни пайтда автотранспорт воситаларига ижара муддатига

Болалар ёзи – 2000

# МАЗМУНЛИ КУНЛАР

Эрта тонгданоқ болалар марказий ўйингоҳга шошилишди. Бугун фавқулодда ҳолатларда ҳимояланиш бўйича ўқув-машқ машғулотлари якунланади. Ёзги оромгоҳда дам олаётган барча болалар ер қимирлашлар, сел босиши, сув тошқини, ер кўчиши сингари хавфли ҳолатларда ҳимояланиш, заҳарланиш, яраланиш, куйиш юз берганида дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга доир суҳбатларни тинглаб, беш кун мобайнида бугунги спорт ўйинларига қизғин тайёрланишди...

Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг «Гулзор» болалар ёзги оромгоҳида кичкинтойлар асло зерикишмайди. Масалан, кеча оромгоҳга машҳур спортчилар меҳмон бўлиб келишди. Олимпиада чемпиони, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг вице-президенти Лариса Павлова Сиднейда ўтадиган бу йилги Олимпиадага мустақил Ўзбекистон спортчилари қандай ҳозирлик кўришаётгани ҳақида гапириб берди. «Бўлажак чемпионлар – орамизда!» шиори остида ўтган бу спорт байрамида ёш волейболчилар ва футболчилар, теннисчилар ва курашчилар беллашишди. Ғолибларга Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ва «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Тоғ бағридаги соя-салқин ўрмонзорда жойлашган «Гулзор» оромгоҳида металлурглар ва машинасозларнинг деярли икки минг фарзандини дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.

– Бош тарбиячимиз Юлдуз Шоисломова, етакчилардан Элвина Бектошева билан Барно Машарипова, тарбиячи Анна Воробьёвалар фарзандларимиз бу ерда ўтказган ҳар бир кунларини эслаб қолишлари учун ижодий изланиб, топқирлик билан ишлашяпти, – дейди оромгоҳ бошлиғи Ҳакима Акромова. – Спорт майдонлари, «Маънавият ва маърифат» хонаси, ёзги майдони ҳувиллаб турганини асло кўрмайсиз. Биз асосий эътиборни болаларни маънавий ва жисмоний чиниқтиришга қаратмоқдамиз.

Умуман, пойтахт вилоятининг тоғли, хушҳаво, хушманзара масканларида жойлашган оромгоҳларда шу кунларда болаларнинг учинчи гуруҳи дам олишмоқда. «Ўзбеккимёмашина» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Хумо», энергетика қурилиши ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Оқ елкан», Ўртовул машина таъмирлаш бирлашмасининг «Наргиз», Паркент туманидаги «Бойчечак» оромгоҳларида бу ишлар, айниқса, намунали.

–Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. – Бугунги кунда Хоразм вилоятидан келган 517 бола шу мақсад учун махсус жиҳозланган «Сумча» оромгоҳида дам олаяпти. Умуман, ёз ойларида Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг 1500 фарзанди шу ерда соғломлаштирилади. «Соғлом авлод йили»да 26 мингдан зиёд ўғил-қизлар вилоятимиз ёзги оромгоҳларида дам олиб, янги куч-ғайрат тўплайдилар.

**Жўрабек МУРОД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

*Косонсой туманида янги маданий-маиший иншоотлар сони тобора ортиб бормоқда. «Соғлом авлод йили» муносабати билан «Юмалоқ шайх» қишлоғида қурилган, 2750 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган врачлик пункти ана шулардан бири. Мазкур янги шифо масканида барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, болалар хонаси, аёллар маслаҳатхонаси, дорихона ишлаб турибди. Энг муҳими, малакали тиббий хизматдан қишлоқ аҳолиси мамнун.*

**СУРАТДА:** врачлик амбулаторияси кўриниши.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Янгиерлик Дилноза Шералиеванинг тенгдошлари бу йил 4-синфни тугаллаган бўлса, у бирйўла 8-синфга кўчди. Буни эшитган кўплаб таниш-билишлар ҳайрон қолишди. Аслида ўта зеҳнли ва зукко Дилнозанинг муваффақиятидан ажабланишга ҳожат йўқ. У 4 ёшида ўқишни, ёзишни, шеърий асарларни ёд олишни ўрганиб олганди.

Шу тариқа Дилноза мактабга борди. Унинг беқиёс хотираси ва заковатидан мураббийлар ҳам хурсанд. У айниқса математика, биология, физика, инглиз тилини енгил ўзлаштиради. Ўқитувчилар кенгаши Дилноза Шералиеванинг бир синфда икки синф дастурини ўзлаштиришига яқиндан кўмак бериб келдилар. Мана ўқишлар тугаб, ёзги таътил бошланди. Бироқ ажойиб истеъдод эгаси бўлмиш қизалоқ таътилни 9-10-11 синф дастурларини мутолаа қилиш билан ўтказаяпти. Унинг мақсади келажакда таржимон бўлиб, юртимизга ташриф буюрган инглиз, француз ва немис саёҳларига Ўзбекистон ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиш, уларни бой тарихимиз билан яқиндан таништиришдир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қилмиш-қидирмиш

# ҚИНҒИРНИНГ БОҒИ КЎКАРМАС

Халқимизда оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Дарҳақиқат, шундай. Лекин беш бармоқ баровар бўлмаганидек, орамизда кўра-била туриб, нафсини жиловлай олмайдиганлар ҳам учраб туради. 38 ёшли Охмурод Шайқулов ана шундайлар тоифасидан чиқиб қолди. У муқаддам жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбланиб, амнистия тўғрисидаги Фармонга биноан жазодан озод этилганди. Лекин орадан бир ярим йилча вақт ўтгач, содир этган қилмишларини батамом унутди.

Охмурод Шайқулов фалакнинг гардиши билан Дўстлик қурилиш кўчма колоннасига бошлиқ вазифасини бажарувчи бўлиб қолди. Лавозимга ўтиргач, унинг нияти бузилди. Қандай бўлмасин, мансабидан фойдаланган ҳолда шахсий даромад орттиришни ўйлаб қолди. Ўтган йилнинг августида ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот таъминотчиси А. Сафаров номига цемент олиш учун «Жиззахчўлтаъминот» бошқармасига ишончнома ёзди. Ишончноманинг тегишли жойига, яъни уни олган шахс ва бош ҳисобчи ўрнига ўзи қалбаки имзо чекди. Ана шу ишончномалар билан «Жиззахчўлтаъминот» бошқармаси марказий омборидан жами 20 тонна цемент олди. Олинган цементнинг нархини ҳисобласак, 143 минг 105 сўмни ташкил қилади. Юк ортилган машиналар Охмуроднинг буйруғи билан Дўстлик томон эмас, балки Жиззах шаҳрига қараб йўл олади. Мақсад уни дуч келган кишига пуллаш эди. Ҳозир ким кўп, қурилиш қилаётганлар кўп. Нархини бироз пасайтирса, харидори тез топилади. У 20 тонна цементни номаълум шахсга пуллаб юборди. Ғараз йўл билан топилган пулни чўнтакка урган «ишбилармон» ўз ақлига ўзи қойил қолди. Ахир, арзимас ҳаракати туфайли шунча пулга эгалик қилишнинг ўзи бўладими?

1955 йилда туғилган Хайрулло Абдураҳмоновнинг «фаолияти» ҳам Охмуродникига ўхшаб кетади. У «Қоплон» кичик корхонасининг раҳбари. Корхона эса, капитал ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.

Ўтган йилнинг июл ойида «Қоплон» кичик корхонаси билан Дўстлик тумани халқ таълими бўлими ўртасида ўзаро шартнома тузилади. Унга кўра, кичик корхона Ғ. Ғулом номли 2-ўрта мактабни капитал таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади. Шартномада кўрсатилган маблағ оз эмас, кўп эмас, 3 миллион сўмни ташкил қилади. Шу тариқа мактабдаги ишлар бошланиб кетади. Келишилган маблағ аста-секин кичик корхона ҳисоб рақамига келиб туша бошлайди. Бу пуллар Хайрулло Абдураҳмоновнинг хаёлини ўғирлайди. У ўз «улуши»ни ажратиб олиш тадоригини кўради. Аниқроғи, ҳужжатларни қалбакилаштиради.

Хайрулло қалбакилаштириш йўли билан тузилган далолатномага бажарилмаган 153 минг 700 сўмлик ишларни гўёки «бажарган»лиги ҳақидаги сохта ёзувларни киритиб, ҳужжат тузади. Ушбу пулларни корхона ишчиларига ойлик иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун чиқим қилади. Натижада 153 минг 700 сўм пул раҳбарнинг чўнтагидан жой олади.

Дўстлик шаҳридаги «Дўстлик» супермаркети озиқ-овқат бўлими сотувчиси Гулнора Қобулова ҳам харидор билан ҳисоб-китоб қилаётганида ўз фойдасига «адашиб» кетди. Харидор Маҳфуза Гиззатова ҳақидан 599 сўм 60 тийин уриб қолади. Сотувчининг «адашиш» сабабларини батафсил ўрганиш мақсадида вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари супермаркетнинг озиқ-овқат бўлимида тафтиш ўтказишади. Тафтиш натижасига кўра, бўлимда 475 сўм 26 тийин камомад борлиги аниқланади.

Азим Ботиров ҳам савдо ходими. У Дўстлик туманидаги «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятига қарашли 10-сонли кундалик эҳтиёж моллари дўконида мудир вазифасида ишлаган. Ёш мудирнинг фикри кейинги вақтларда кўпроқ пул топишда бўлиб қолди. Мақсадини рўёбга чиқариш имкониятларини қидира бошлайди. Ниҳоят, эгриликнинг йўлини топади. 1999 йилнинг ноябрида туманнинг «Ойбек» бўрдоқичилик жамоа хўжалиги томонидан туман ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлинмасида чилангар бўлиб ишловчи Бахтиёр Юсупов номига «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятидан 375.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун берилган 205-сонли ишонч қоғози билан ўзи мудирлик қилаётган дўкондан Юсуповга рақамсиз юк хати орқали 374.986 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини беради. Бу орада ойлик ҳисоботларни топшириш вақти келиб қолади. Ноябр ойи ҳисоботини тайёрлаётган Азим «Ойбек» бўрдоқичилик жамоа хўжалиги томонидан Юсупов Бахтиёр номига берилган 205-сонли ишонч қоғозидаги «Озиқ-овқат 375 (уч юз етмиш беш) минг сўм» деган ёзувни, «Озиқ-овқат 775 ( етти юз етмиш беш) минг сўм» деб ўзгартиради. Ана шу ўзгартирилган ишонч қоғози орқали ўзи мудирлик қилаётган дўкондан Юсупов Бахтиёр номига рақамсиз юк хати ёзиб, жами 759 минг 504 сўмлик ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини олади. Юк хатига эса Юсуповнинг имзосини сохталаштириб қўяди. Натижада осмондан тушгандай 384 минг 518 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиб қолади. Лекин унинг қувончи узоққа чўзилмади. Прокуратура ходимлари бу пуллар бошқа бировники эканлигини Азим Ботировга «эслатиб» қўйишди.

Фикримизча, кўра-била туриб қонунни бузиш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас. Маънавияти етук инсон ҳеч қачон бундай ишларга қўл урмайди. Қинғир ният билан иш қилган кишининг боғи кўкармас, деб шуни айтсалар керак-да.

**Акбархон ТУРСУНОВ,**
**Дўстлик тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.**
**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф жорий этилганини, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарфланган ҳар бир квт соат электр энергияси нархи 4 сўм 70 тийин, ошхона электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 2 сўм 35 тийин қилиб белгиланганлигини маълум қиламиз.

**Аҳоли учун белгиланган барча имтиёзлар сақланиб қолади.**

**1 АВГУСТГАЧА САРФЛАНГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲАҚИ ЭСКИ НАРХДА ФАҚАТ 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

***Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.***

3145



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

***«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА***

***«Янги авлод»* қисқа муддатли омонатини таклиф этади**

***Йилига 36% даромад келтирадиган*** *омонатга маблағлар шу йил 20 декабргача қабул қилинади* ***(даромадлар ҳар ойда тўлаб борилади).***

*Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар олинмаган тақдирда, улар қўйилмангизга қўшилиб боради ва капиталлаштирилади.*

Омонат 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга очилади. Омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 3 январига қадар.

***Шунингдек, муддатли омонатларнинг қуйидаги турлари таклиф этилади:***

***«Сўм карточкаси» омонати*** *(пластик карточка қўлланилади)* — ***йилига 36%ни,*** *талаб қилиб олинмаган фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилганида эса* ***йилига 42,6%*** *ни ташкил этади*

***«Таътил» омонати*** *(талаб қилиб олинмаган ҳисобварақларга доир шартномалар ўз-ўзидан давом эттириладиган омонат, 3 ой муддатли)* — ***йилига 36%,*** *ҳар ойда капиталлаштирилганида эса* ***йилига 42,6%***

***«Оқсоқол», «Меҳрибон она»*** *(1 йил муддатли)* — ***йилига 25%***

***«Тўёна»*** *(2 йил муддатли)* — ***йилига 30%***

***«Сарпо»*** *(3 йил муддатли)* — ***йилига 31%***

***«Келажак»*** *(камида 5 йил муддатли)* — ***йилига 24%*** *(МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича)*

***«Муддатли»*** *(5 йил муддатли)* — ***йилига 40%***

***2000 йил 1 августдан бошлаб муддатли омонатларнинг барча турлари бўйича йилига асосий фоизларга қўшимча равишда 4,3% даромад ҳисоблаб ёзилади.***

***Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.***

NBU

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.**

3134


Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Ёқубжон Жалоловга онаси
**Қундуз ЖАЛОЛОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги жамоаси вазирнинг биринчи ўринбосари А. Акбаровга акаси
**Дилшод АКБАРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси академиянинг «Молия, кредит ва валюта муносабатлари» кафедраси мудири, профессор Т. Маликовга ўғли
**ЭЛДОРнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбек-Лада» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси автомобилсозлик соҳасининг кекса ходими, «АвтоЗАЗ» Самарқанд очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси
**Наримон АЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ректорати ва жамоаси «Нефть-газ конлари машина ва жиҳозлари» кафедраси мудири, доцент Шавкат Аъзамовга падари бузруквори
**Козим ота АЪЗАМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд шаҳар 1-сон педагогика билим юрти жамоаси шу билим юрти ўқитувчиси, касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳиббим Ҳамдамовга отаси
**Ҳамдам НОРЖИГИТОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.10*
1 2 3 4 5 6